

## Әдебиетлар

1. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. –Ташкент: “Фан” 1982. 6-6.
2. Есназарова З. Нөкис қаласының тарихы. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 2023. 3-6.
3. Семенов –Тян-Шанский В.П. Город и деревня в европейской России: очерк по экономической географии. СПб.: Тип. В.Ф. Киршбаума, 1910. 12-6.
4. Глазачев В. Представление о городе и технологии управления средовым развитием. Доклад в школе муниципального служащего. –Обнинск: 2005.
5. Архипов. А.М. Функциональная типология городов Центральной России. Вестник Академии. 2010, №2. 47-51-6.
6. Кудияров А. Шымбай тарихынан. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 2021. 15-17-6.
7. Yesnazarova Z. Materials of the population census in the region of Karakalpakstan – historical facts (1897-2003s). Galaxy interdisciplinary research journal (giirj) ISSN (E): 2347-69.15. Vol. 10, Issue 3, Mar, 2022, 20-6.
8. Кудияров А. Город Чимбай в русских источниках (конец XIX-начало XX вв). // Вестник, №3, 1996. 90,91-6.
9. ЦГА. ф. 11. Оп.1. д.3, л. 44.
10. Есназарова З. Б. Қарақалпақстанда районлардың дүзилю тарихынан. «Zamanagóy talaplar sharyatında pedagogikalıq bilimlendiriw sarası» atamasındaǵı «IFTE-2023: Uzbekistan» халықаралық конференциясы материаллары. –Нөкис: 2023. 20-6.
11. ЦГА РК. Ф.№ Р-12, оп.1. л. 27.
12. ЦГА.РК.ф.12,оп.1. Д.727.
13. ЦГА. РК, ф.322, оп. 1. д. 87, л 19: 324, оп.1, д 4, 5, л.3.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада Қарақалпақстанда шаһарларның генезисі ва типологиясы тарихий нүқтаи назардан ўрганилади. Асосан, Чимбай шаһрининг ривожланиши ва ўзига хос хусусиятлари жойлашиши, XX асрга тегишли демографиясы ўрганилди. Қарақалпақстан ҳудуди шаһарларда халқнинг сони XVIII ва XX асрлардаги халқнинг ўсиш динамикаси таҳлил қилинади.

**РЕЗЮМЕ.** В статье рассматривается генезис и типология городов Каракалпакстана в историческом аспекте. В основном изучались развитие и расположение города Чимбай, его специфика, демография XX века. Анализируется численность населения городов на территории Каракалпакстана, динамика роста населения в XVIII и XX веках.

**SUMMARY.** The article examines the genesis and typology of cities in Karakalpakstan from a historical perspective. The development and location of the city of Chimbay, its specifics, and the demography of the twentieth century were mainly studied. The population are analyzed of cities in Karakalpakstan and the dynamics of population growth in the 18th and 20th centuries.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ХУЖЖАТЛИ КИНОСИ

(1991-2018 йиллар)

**У.Хужаниязов** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори  
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

**Таянч сўзлар:** Орол денгизи, экология, урф-одат, мустақиллик, табиат, маданият, хужжатли фильм, тарихий мавзу, студия, жанр.

**Ключевые слова:** Аральское море, экология, традиция, независимость, природа, культура, документальный фильм, историческая тема, студия, жанр.

**Key words:** Aral sea, ecology, tradition, independence, nature, culture, documentary film, historical theme, studio, genre.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан кейин бошқа соҳалар каби санъат соҳаларида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Шу жумладан кино соҳасида ҳам.

Мустақиллик йилларида қорақалпоқ кино санъати ҳар жиҳатдан камол топиб, ўз таракқиётида бир канча ютуқларни қўлга киритди.

Қарақалпоғистонда кино санъатининг ташкил қилиниши ўтган асрнинг 70-йилларига тўғри келади. Дастлаб 1970 йил Ўзбекистон Республикаси Вазиран Кенгаши Киномотография давлат комитетининг махсус қарори билан Нукусда Ўзбекистон хужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар киностудиясининг Қарақалпоғистон филиали очилди. Кейинчалик, яъни 1990 йили алоҳида “Қарақалпоқфильм” киностудияси ташкил этилди. Қарақалпоғистон умуммаданияти силсиласида кино санъатининг ташкил қилиниши ва унинг мустақиллик йилларида мустақил киностудиясининг– “Қарақалпоқфильм”га айлантирилиши Қарақалпоғистон Республикаси халқи маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Мустақиллик йиллари қорақалпоқ хужжатли кино санъати ўзининг ижодий таракқиёт босқичига кирди. Бу йиллар “Қарақалпоқфильм” киностудияси мустақил ҳолда кино ишлаб чиқариш даражасига етишди, у муносиб кадрлар билан таъминланди, моддий-техник даражаси яхшиланди.

Таъкидлаш зарурки, 1990 йилларда, яъни “Қарақалпоқфильм” алоҳида киностудия қилиб шакллантирилган дастлабки даврларда илгаригидек, 4 та киножурнал ва 4 та хужжатли фильм ишлаш имкониятига эга бўлган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, “Қарақалпоқфильм” студияси жамоасида ҳам руҳан кўтаринкилик, фаоллик кучайди, миллий кадриятларга бўлган иштиёқ, уларни халққа етказиш масъуллиги жамоанинг ҳар бир аъзосида уларнинг миллат олдидаги бурчи сифатида шаклланди ва қарор

топди. Бунинг натижаси ўлароқ, кейинги 1991-93 йилларда 10-15, 2004 йилдан бошлаб эса йилига 15-20 хужжатли фильмлар ва “Қарақалпоғистон” журналининг 4-6 та сонларини чиқариш имкониятига эга бўлдилар. 2007 йилда бу кўрсаткич 23 тага етди. Бу йиллари қорақалпоқ хужжатли кино тематикаси янада кенгайиб мазмун моҳияти яхшиланди.

Мазкур йилларда студия кино ижодкорлари томонидан тасвирга олинган хужжатли фильмларда бугунги кунда юртимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар, давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда янгилликлар, шунингдек қўлга киритилаётган ютуқлар бош мавзу сифатида ўз ифодасини топди.

“Қарақалпоқфильм”да яратилган хужжатли фильмлар ўзининг турли мавзуларга бағишланганлиги, қамров доирасининг кенглиги, кўп микдорга эгаллиги, тасвир фонининг бойлиги билан ажралиб туради.

Студия ижодкорлари мустақиллик йиллари Орол денгизи фожеси ва унинг оқибатлари, Қарақалпоғистон табиати ва унинг ўзига хослиги, қорақалпоқ халқи урф-одатлари ҳамда анъаналари, атоқли олимлар ҳамда илм-фан фидойилари, маданият ва санъат арбоблари, шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятлари, шунингдек тарихий мавзуларга кўпроқ эътибор қаратди ва улар тўғрисида қизиқарли ва ибратли хужжатли фильмлар яратди.

Қуйидаги мавзуларга ишланган хужжатли фильмлар уларнинг айрим намуналаридир.

Орол денгизи фожеси ва унинг салбий оқибатлари, шунингдек ҳудуддаги экологик вазият ҳақидаги фильмлар:

Мустақиллик йиллари студия ижодкорлари Орол денгизи фожеси ва унинг салбий оқибатлари, ҳудуддаги экологик вазият ҳақида қатор хужжатли фильмлар яратишди. Буларга “Орол дардим менинг” (1995, О.Абдурахманов), “Орол – умид денгизи” (1995,

О.Абдурахманов), “Орол – умидлар ороли” (1998, Т.Қалимбетов), “Мўйноққа ғоз келди келди” (2006, Д.Абдумуратов), “Дарё денгизга қуйилмоғи лозим” (2010, М.Низанов), “Орол яшаши лозим” (2011, А.Ақназаров) [2] каби ҳужжатли фильмлар киради. Бу фильмлар Орол инкирози, экологик офатлар ва уларнинг оқибатлари, экологик фожеалар сабаб инсонлар ҳаёти ва саломатлигига таъсир қилувчи салбий ҳодисалар, Оролбўйи ўсимликлари ва ҳайвонот дунёсига етказилган талафотлар, сув муаммолари каби ноҳуш ҳодисаларни бартараф қилишга бағишланган, ҳукуматимиз ва Биринчи Президентимизнинг дунё микёсида Орол фожеасини бартараф этишга, дунё афкор оммасини бу инкироздан огоҳ этишга бағишланган савий-ҳаракатларини кўрсатишга бағишланган.

Масалан, “Орол дардим менинг” фильмида маъмурий-буйруқбозликка асосланган мустабид тузум даврида табиатга ёвузларча бўлган муносабат ҳақида айtilса, “Дарё денгизга қуйилмоғи лозим” фильмида сувсизлик оқибатларининг ҳудуд аҳолисига кўрсатаётган зарарли таъсири, “Мўйноққа ғоз келди”, “Орол – умид денгизи” кабиларда бу фожеанинг Оролбўйи флора ва фаунасига таъсири, “Орол яшаши лозим” фильмида Орол денгизини сақлаб қолиш зарурати, унинг аҳамияти ҳақида илмий асосланган фактлар ёритилади.

Қорақалпоғистон табиати ва унинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб берувчи фильмлар: Мазкур фильмлар ҳудуднинг ўзига хослиги ва алоҳида хусусиятларига бағишланган. Дарҳақиқат, Қорақалпоғистон ҳудуди Ўзбекистоннинг бошқа ерларидан табиати, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси билан ажралиб туради. У, бир томондан, деҳқончилик ва ўсимликлар билан қопланган воҳалардан, иккинчи томондан, сувсиз тақир чўллардан, учинчи томондан, чексиз кумлоқ ва барханлар билан қопланган саҳродан иборат. Хусусан, “Ота макон” (2000, А.Абдиев), [3] “Ўлкамиз табиати” (2008, А.Султанов) [2] фильмларида ҳудуднинг кенг картинаси тасвирланса, “Устюрт юлдузлари”да[4] Устюрт платосининг ўрни, ундаги флора ва фауна, унинг бойликлари, газ ва нефт конларига бойлиги, унинг келажакда тадқиқ қилиниши зарурлиги ҳақида фикр юритилади, “Фидойилар” (2005, Т.Қалимбетов) [5] фильмида эса Оролнинг қуриб қолган тагида пайдо бўлган кум барханлари, Орол қуриши муносабати билан Қорақум ва Қизилқум саҳролари бирлашиб, катта саҳрога айланиш хавфи борлиги фильмларда акс эттирилган. Қуриган Орол ўрнида саксовулзорлар, чет мамлакатлардан (Мексикадан) олиб келинган, тузлоқ ерларда ҳам ўсаверадиган галиаф, дистихлист каби ўсимликларни ўтказиб, уни саҳрога айланиш хавфидан, денгиз тагидан кўтарилаётган “туз ёмғиридан” асраб қолишга ҳаракат қилаётган ҳақиқий фидойилар ҳақида ҳикоя қилинади. “Овчилар”, (2002, Т.Қалимбетов) [5] фильмида инсон билан табиат орасидаги муносабат, табиатга эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш каби масалалар ўртага ташланади. Бу эса келажак авлодни табиатга эҳтиётлик билан муносабатда бўлишга, гўзаллиқни асрашга, огоҳликка ўргатади. “Ҳазина” (2010, Б.Боймурзаев) фильмида Султан Вайс тоғ тизмалари ва ундаги мавжуд бўлган табиий бойликлар, “Доривор ўсимликлар” (2011, Б.Боймурзаев) фильмида ушбу заминнинг доривор ўсимликларга бойлиги, ўлкада 360 дан ортиқ доривор ўсимликлар мавжуд бўлиб, жумладан, 200 дан кўпроғи ҳозир химия-фармацевтика саноатида қўлланилаётганлиги жонли лавҳаларда тасвир этилган.

Қорақалпоқ халқи урф-одатлари, анъаналари, миллий қадриятларига бағишланган фильмлар:

Маълумки, ҳар бир миллат дунёдаги бошқа

халқлардан ўзининг миллий урф-одатлари, анъаналари, маънавий-руҳий қадриятлари билан фарқланади. Уларни сақлаб қолиш умулжаҳон қадрият ҳисобланган миллатнинг ўзлигини сақлаб қолишдир. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг “...қорақалпоқ халқи ўзининг қадимий тарихи, урфу одатлари, анъаналари, тили, маданиятига хос бетакрор жиҳатлари билан ажралиб туради” [6] деганидек, мазкур халқнинг ҳам ўзига хос бўлган урф-одатлари, дастурлари бор: Буларга бағишланган “Бет очар” (2004, Д.Абдумуратов), [7] “Қишлоқда тўй” (1993, К.Холмурадов), [8] “Бешик” (1999, А.Султанов) “Келинчак” (2005, Д.Абдумуратов), [4] “Ҳаўжар” (2004, У. Пиржонов), [1] “Бешик тўйи” (2013, А.Ақназаров) [9] каби фильмларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Масалан, “Бет очар” фильмида маҳаллий урф-одатлардан келин салом дастури ва унинг қандай ўтказилиши тўғрисидаги лавҳалар берилади. “Қишлоқда тўй” фильмида Чимбой туманидаги бир қишлоқдаги тўй маросими тасвирланган бўлиб, ундаги миллий урф-одатлардан халқ сайли, кураш, қўчқорлар жанги ҳақида тасвирлар намоёиш этилади. “Бешик тўйи” фильмларида чақалоқни бешикка белаш ва унинг дастурлари ҳақида лавҳалар бор. “Келинчак” ва “Ҳаўжар” фильмлари келин узатиш маросими ҳақидаги фильмлардир. “Ҳаўжар” - бу қиз балоғатга етиб, узатилаётган вақтида ўзининг туғилиб ўсган уйини, қишлоғини ташлаб кетаётганда “Ҳаўжар” кўшиғи айтилади. Фильм ана шу кўшиқ айтилиш одати ҳақидадир. “Ҳаўжар” да туғилган уйга, ота-онага, қариндош-уруғга узатилаётган қизнинг муҳаббати, садоқати қуйланади.

Ўлка тарихий археологик ёдгорликларига, қадамжоларига бағишланган фильмлар: Бу фильмлар қадимги маданий мерос ва ёдгорликларга бағишланган фильмлардир. Хусусан, “Қадимги ёдгорликлар” (2002, М.Туйчиев) фильмида собиқ СССР Фанлар академияси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, XX аср 30-йилларида Қорақалпоғистон ҳудудидаги тарихий ёдгорликларни археологик қазилмалар натижасида ўрганиб, бу ҳудудни “Ўрта Осиё Египети” деб атаган академик С.П.Толстовнинг фаолияти ёритилади ва ўлкадаги тарихий-маданий ёдгорликлар суратга олинади. Шу характердаги мавзулар “Миздақхон” (2008, М.Низанов), [1] “Чилпик” (2003, Э. Мамедов), “Асрлар гувоҳи Гулдурсун” (2008, Б.Баймурзаев), “Олтин мерос” (2006, Т.Қалимбетов), фильмлари мазмунини ташкил этади. “Миздақхон” фильмида Хўжайли шаҳрида жойлашган қадимий меъморчилик ёдгорлиги ҳақида, “Муқаддас қадамжо” (2009, Ғ.Шермухаммад) фильмида Қорақалпоғистон ҳудудидаги муқаддас зиёратгоҳ Султон Увайс бобо қадамжоси ҳақида тарихий маълумот, “Ҳаким ота” (2006, О.Ембергенов), фильмида ўрта аср тасаввуф таълимотининг забардаст вакили, Аҳмад Яссавий шогирди, шоир Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким ота) макбараси, унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида қизиқарли лавҳалар берилади.

“Қорақалпоқфильм” жамоасининг мустақиллик йилларида қўлга киритаётган муваффақиятлари мамлакатимиз ва чет элларда юксак эътирофларга сазовор бўлмоқда. Улар яратган фильмлар жаҳоннинг кўпгина кинофорумларида ўзининг муносиб баҳосига эга бўлмоқда. Хусусан, “Гум-гум” фильми 1990 йили Американинг Сан-Франциско шаҳридаги кинофестивалга қатнашиб, Гран-При мукофотини олди, “Қиз вояга етса...” фильмида қорақалпоқ халқи урф-одатлари усталик билан берилганлиги учун, у 1994 йил Ашхободда ўтказилган “Феруза баҳори-94” кинофорумида яхши кутиб олинди ва халқаро мукофотга сазовор бўлди. “Жиров”, “Отсейис” фильмлари 1998 йили Германияда бўлиб ўтган

кинофестивалға қатнашды. 1998 йили “Орол қандай бўлган эди” фильми Сорос фонди мукофотиға сазовор бўлди. “Отбеги” фильми Инсбургдаги (Австрия, 2005) халқаро кинофестивал совриндори, “Кудук” фильми Бильбао фестивалида (Испания, 2005) “Кумуш ярим ой” мукофотиға, Голландия кинофестивалида кумуш медалға сазовор бўлди. “Фидойилар” фильми Испанияда бўлиб ўтган кинофестивалда “Кумуш айик” номли Гран-при совринини, [7] 2001 йили Бухорода ўтказилган ўзбек миллий киноси фестивалида “Кўкпар” фильми “Қанотли туя” мукофотини олди. 2002 йилда эса “Она” фильми Бухоро кинофестивалининг махсус мукофотини олишға муяссар бўлди [1]. Шунингдек студия киноижодкорлари 2018 йили тасвирға олинган “Пойтахт Шаҳрим Нукусим” хужжатли фильми билан

“Энг улуг энг азиз” кўрик танловида қатнашиб “Гран-При” совринини олишға муяссар бўлишди [11]. Булар “Қорақалпоқфильм” студиясининг мустақиллик йилларидаги кўлга киритган ютуқлари бўлиб улар мамлакатимиз маданий-маънавий юксалишиға хизмат қилувчи, халқ ҳаётининг экрандаги тасвирини оламға намоиш этувчи жонли лавҳалар сифатида тарихда ўз изини қолдириши шубҳасиздир.

Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, Қорақалпоғистон умуммаданияти силсиласида кино санъатининг ташкил қилиниши ва унинг мустақиллик йилларида мустақил киностудияға – “Қорақалпоқфильм”ға айлантирилиши Қорақалпоғистон Республикаси халқи маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

#### Адабиётлар

1. Нызанов М. Кино қалай жаратылды ? – Нөкис: «Билим», 2014. 52-б.
2. Тажадинова Г. Н. Экологическая тема в документальном кино Каракалпакии. // Научный журнал. 2022. –С. 145.
3. “Қорақалпоқфильм” киностудияси жорий архиви. 1996-2000 йиллар яратилган фильмлар рўйхати. 4-б.
4. “Қорақалпоқфильм” киностудияси жорий архиви. 2005 йил яратилган фильмлар рўйхати. 1-б.
5. Тюгай Г. В картинах – дыхание жизни. / Вести Каракалпакстана. 2005. 29 октябрь.
6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард максадимиз. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2000. 103-б.
7. Аҳмедов Б. Кино олами. -Тошкент: “Lesson press”, 2021. 197-б.
8. Джумашев А., Нуржанов С., Уразова Л., Таджиева Р. Қарақалпақстан тарийхы. – Нөкис: «Илим», 2018. 186-б.
9. “Қорақалпоқфильм” киностудияси жорий архиви. 2013 йил яратилган фильмлар рўйхати. 2-б.
10. Хужаниязов У. (2023). “Қорақалпоқфильм” студияси хужжатли фильмларида тарихий мавзулар талқини. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб мўаммолари / Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук / Actual Problems of Humanities and Social Sciences.. 3(S/8). <https://doi.org/10.47390/SPR1342V3SI8Y2023N03>.
11. Тилепов К.Н. (2023). Хужжатли фильмларида режиссёрлик маҳорат. *Educational Research in Universal Sciences*, 2(1 SPECIAL), 454–459. Retrieved from. <http://erus.uz/index.php/er/article/view/1837>.

**РЕЗЮМЕ.** Ушбу илмий мақолада мустақиллик йиллари “Қорақалпоқ фильм” студияси томонидан тасвирға олинган хужжатли фильмларнинг мавзу ва жанрлари таҳлил қилинган.

**РЕЗЮМЕ.** В данной научной статье анализируются темы и жанры документальных фильмов, снятых студией «Қорақалпоқ фильм» в годы независимости.

**SUMMARY.** This scientific article analyzes the themes and genres of documentaries produced by the “Қарақалпақ film” studio during the years of independence.

### ТАРИЙХЫЙ ФОЛЬКЛОР ҲАМ ТАРИЙХЫЙ ҲАҚЫЙҚАТЛИК (Устюрттеги тарийхый естеликлерге байланысلى аңыз-рәўиятлар ҳаққында)

**Е.Е.Қанаатов – докторант**

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*

**Таянч сўзлар:** Устюрт, Пулжай, тарихий воқелик, фольклор, Ибраҳим Адхам, шох.

**Ключевые слова:** Устюрт, Пулжай, историческая реальность, фольклор, Ибрагим Адхам, царь.

**Key words:** Ustyurt, Puljay, historical reality, folklore, Ibrahim Adham, king.

Тарийх бетлеринде, дөретиўши халық турмысында өшпес из қалдырған социал-тарийхый ўақыя-хәдийселер яки реал шахслар искерлигиниң айырым тәрәплери тарийхый фольклор, яғный тарийхый дэстан, тарийхый қосық, тарийхый аңыз хәм тарийхый рәўиятларда өз коринисин табады [1:4].

Қарақалпақ фольклорында да тарийхый ўақыя-хәдийселерди сәўлелендиретуғын тарийхый дэстан, жыр-толғаў, қосық хәм аңыз-рәўиятлар баршылық.

Үш мың жыллар бойы көшпелилер ушын жәннет мекән жер саналған Устюрт тегислигинде гезлесетуғын тарийхый-мәдениет естеликлер бойынша да талай аңыз-рәўиятлар дөрелген. Сондай аңызлардың бири Жезкемпир естелиги ҳаққында.

Қоңырат қаласынан күнбатыста, отыз шақырымдай қашықтықта бирден үш атама менен Жезкемпир, Пулжай, Теңгешашқан деп аталған орын бар. Қоңырат районы тарийхый бойынша билимдан, Ўзбекстан халық билимлендириў ағласы, нураный Жаббарберген (Жапақ) Шамуратовтың бизге берген мағлыўматына көре, бул орталықта бурында аса бай Жезбийке деген хаял жасаған. Қартайған шағында оны Жезкемпир деп атап кеткен. Оның есап-сансыз төрт түлик малы, бирнеше мың сандық толы алтыны бар екен. Ол күнлерден бир күни қарақурымдай, күдиретли жыртықш, жаўыз жаў қаппап киятырғанын, олардың алдында гезлескен аўыл-қалаларды қыйратып, өртеп, қарсыласқанларды қумырсақдай қырып таслайтуғынын еситеди хәм өз елиниң де бул жаўға төтепки бере

алмайтуғынлығын түсинеди. Қол астындағы неше жүзлеген хызметкерлерине сом алтынларды қуймаға айландыртады. Ири теңгелерди еки ямаса төрт бөлип, майдаларын солайынша қалдыртады, соң далаңлыққа дән сепкен сыяқлы шаштыртады. Устинен қос пенен терең етип сүрдирип жибереди. Төрт түлик малын таў-тоғайға, сахра-шөлге асыртады. Оның сондағы ойы «байлығым душпанның қолына түсип талан-тараж болғаннан, мени дәўлетли еткен халқым соңғылықта алтын пәршелерин, төрт түлик малды излеп таўып пайдалансын, тарықпасын» дегени екен. Солай да болған [2].

Бул орынның Жезкемпирге қосымша Пулжай, Теңгешашқан аталыўы жоқарыда сөз етилген әпсанадағы ўақыяға байланыслы келип шыққан. Ҳәзирги күнлерде де усы жерден излеген адам ески жез теңгелерди табады, ертеректе майда алтын бөлеклерин, теңгелерди де тапқан.

Аңызда айтылған Жезкемпирди Жапақ ағаның әкеси Шамурат Хожабай улы (1909-1964) Хорезмшахтың анасы деп айтатуғын болған. Тап усы гәпти Жапақ аға өзи менен жаслы қоңыратлы Жумабайдан да еситкен екен. Ол болса мархум әкеси Досбергеннен еситкен.

Хорезмшахтың анасы – Туркан Қатын (Қатын – хұкимдар яки хұкимдарлар менен мәмлекетти тең басқаратуғын хаялларға берилген сол дәўирдеги ең жоқары атак, мәртебе). Күдиретли Селжукийлер мәмлекети қол астынан шығып Хорезмди және ғәрезсизликке еристириў мақсетинде Хорезмшах Текеш